

Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фани бўйича маъруза матнлари

I боб. Янги педагогик технологиялар ва педагогик ш маҳорат фанининг тарихий-назарий асослари

1-мавзу: Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат
тушунчаси, унинг юзага келиш тарихи

Режа:

1. *Янги педагогик технология ва унинг моҳияти.*
2. *Фаннинг ривожланиш босқичлари.*
3. *Таълим-тарбия жараёнига технологик ёндашув.*

Республикамизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил борилаётганлиги сабабли, кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Шу сабабли тарбия жараёнига ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш лозим. Чунки тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, жамиятнинг ривожланишини тасаввур қилиш қийин.

Мутафаккир Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **"Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир"**.

Янги педагогик технология тушунчасига изоҳ беришдан олдин, педагогика атамасига қисқача тўхталамиз. **Педагогика** юнонча "пайдагогос" сўзидан олинган бўлиб, "бола етаклаш" демакдир. Тарихий манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинларининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини "педагог" (бола етакловчи) деб аташган, кейинчалик, махсус ўқитилган мутахассисларни педагог деб атай бошлаганлар.

Ҳозирги кунда педагогика деганда таълим ва тарбия билан боғлиқ, билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш, маълумотли қилиш, хуллас комил инсон шахсини шакллантириш ва ривожлантириш каби тизимли жараён тушунилади. Педагог деганда эса тегишли маълумотга эга бўлган, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи, асосан, таълим-тарбия билан шуғулланувчи, юксак маданият ҳамда маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган кишилар тушунилади.

Технология - тушунчаси илм-фанга XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кириб келган. У юнонча сўз бўлиб, **технос** - "ҳунар", "санъат", "маҳорат" ва **логос** - "фан", "таълимот", "тушунча" маъноларини англатади, яъни тушунтириш маҳорати демакдир.

Технология шахсни камол топтириш, ўқитиш, тарбиялаш ва интеллектуал ривожлантириш қонун-қоидаларини ўзида мужассам-лаган, кўзланган натижани таъминловчи педагогик-ҳуқуқий фаолиятдир.

Технология тушунчаси айни пайтда ишлаб чиқариш жараёнида

қўлланиладиган усуллар мажмуи ёки шундай усулни ишлаб чиқарувчи, такомиллаштирувчи фан сифатида таърифланади. Ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий қисми бўлган амаллар -маҳсулот олиш, ташиш, сақлаш, тартибга солиш ва бошқалар ҳам технология дейилади.

Технология тушунчаси ўзига хос таъсир кучига эга бўлиб, олимлар, педагог-ўқитувчи ва ўқувчи-талабаларни доимий равишда янгича фикрлаш, эркин ижод қилишга ундайди. Масалан:

- билим бериш (ва олиш)нинг самарали асосларини яратиш;
- экстенсив (самарасиз) усулдан воз кечиб, интенсив (жадал) усулда кадрлар тайёрлаш;
- таълим жараёнини юқори даражада ахборотлаштириш ва ҳ. 1930 йилларда "Педагогик технология" тушунчаси махсус адабиётларда пайдо бўла бошлади ва унга ўқув жараёнини аниқ ва самарали ташкил этишга йўналтирилган усуллар йиғиндиси сифатида қаралди. Шунингдек, бу даврда педагогик технология -кўргазмали куроллардан, техник воситалардан фойдаланиш маъно-сида тушунтирилди.

1960 йилларда бу тушунча хорижий мамлакатлар педагогик нашрларида кенг муҳокама этилди. 1961 йилда **АҚШ**да "Педагогик технология", 1964 йилда **Англия**да "Педагогик технология ва дастурли таълим", 1965 йилда **Япония**да "Педагогик технология" журналлари чоп этила бошлади.

"Педагогик технология" муаммосининг ўта долзарблиги ҳисобга олиниб, унинг илмий асосларини тадқиқ қилиш мақсадида махсус ташкилотлар тузилди. Масалан: 1967 йилдан **Англия**да "Педагогик технология миллий Кенгаши", 1971 йилдан **АҚШ**да "Таълим коммуникацияси ва технологияси Ассоциацияси" фаолият кўрсата бошлади. Японияда "Педагогик технология" муаммолари билан тўртта илмий жамият шуғулланмоқда.

Шундай қилиб, 1980-1990 йилларда замонавий педагогик технологияларнинг моҳиятини ойдинлаштиришга қаратилган уринишлар янада ривож топди. Бир гуруҳ олимлар - **М. Кларк, Хокридж** (Б.Британия), **К.Чедуик, Д.Фини** (АҚШ), **С.Г.Шаповаленко** (Россия) педагогик технологияни ўқитишда техник восита-ларни қўллаш, деб тушунтирса, иккинчи гуруҳ олимлар - **Т.Сакомото** (Япония), **К.Бруслинг** (Швеция), **Т.А.Ильина** (Россия) ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси, деб тушунтирадилар.

Бизнинг мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, янги педагогик технологиялар муаммосига жиддий эътибор қаратилди. Бугун Республикамизда "Янги педагогик технологиялар" мавзуси бўйича назарий ва амалий анжуманлар уюштириш, кундалик матбуотларда мақолаларнинг тез-тез кўзга ташланиб туриши ижтимоий воқеликка айланиб бораётгани, айниқса, қувончлидир.

Педагогик технологиянинг **ЮНЕСКО** ташкилоти томонидан маъқулланган таърифи қуйидагича:

"Педагогик технология" - бу таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, ўқитиш ва билим ўзлаш-тиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли методидир"¹

Ўқув адабиётларида "Янги педагогик технология" тушунчаси билан биргаликда "таълим технологияси", "ўқув жараёни технологияси", "маълумот технологияси" сингари тушунчалар ҳам қўлланилса-да, бироқ мазкур тушунчалар ўзаро турлича мазмун-моҳият касб этади.

Таълим амалиётида турли ёндашувлар қўлланилади²:

- анъанавий ёндашув;
- тизимли ёндашув;
- технологик ёндашув;
- комплекс ёндашув;
- тадқиқий ёндашув;
- вазифавий ёндашув;

Анъанавий ёндашувнинг асосий хусусияти ўқитувчи маълум ахборотни гапириб беради, тушунтиради, тингловчи ёки талаба бу билимни ўз хотирасида сақлайди. Талабанинг берилган билимни ўзлаштириш даражаси имтиҳонда мавзуга доир берилган савол-жавобига қараб аниқланади. Бундай билим хотирада узок сақланмайди.

Тизимли ёндашув универсал тавсифга эга бўлиб, таълимга яхлит ҳолда, яъни ижтимоий ҳаракатлар тизими сифатида қараш демакдир. Тизимли ёндашувда бир қанча принциплар амал қилади. Улар:

- мавҳумликдан яққолликка қараб бориш;
- анализ ва синтез;
- мантиқийлик ва тарихийлик;
- индивидуаллик ва ижтимоийлик;
- объектда боғланиш ва ўзаро таъсир.

Технологик ёндашув - жаҳон педагогик тафаккурида таълимга бундай ёндашув кенг тарқалган. XVIII асрдаёқ "Буюк дидактика"нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим жараёнини "унда ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатидан шундай жойлаштирилиши керак эдики, бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби беҳато юриши керак", деган шаклга солмоқчи бўлганди. Буюк педагог Коменский етмаган орзуларга XXI аср педагоглари етиб, бу ижтимоий ҳодиса педагогик технология номини олиб, бутун дунё ўқитувчи-педагогларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Технологик ёндашув ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойиҳалаштирилган. Бу технологияларни қўллаш вақтида ҳудуд ва уларнинг ижрочиси ўзгарса ҳам, керакли маҳсулот чиқаверади¹

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари **Б.Блум, Д.Кратвиль, Н.Гранлунд, Дж.Керролла, Дж.Блок, Л.Андерсон** ва бошқа-ларнинг ҳаракати натижасида амалга ошди.

Таълимга технологик ёндашув таълим жараёнини бир бутун-ликда

кўриб, таълим мақсади, мазмуни ва билим бериш усулларини лойиҳалаб, таълимни босқичларга бўлиб ва айти пайтда уларни ўзаро узвий боғлиқликда ўрганишни тақозо этади.

Таълим ишига технологик ёндашув:

- ўқиш ва ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлиқ босқичлар ҳамда амалларга ажратиш;
- таълимда мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- лойиҳалаштирилган амалларнинг барчасини бирдек бажаришни назарда тутиш;
- ахборот ўзлаштиришнинг интенсив (жадал) усулларини дарсга татбиқ этиш;
- таълим жараёнини юқори даражада компьютерлаштириш. Хулоса қилиб айтсак, технология мураккаб жараён сифатида қатор ўқитиш босқичларидан, ўз навбатида, бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос амалиётлардан иборат бўлади.

2-мавзу: **Янги педагогик технология принциплари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти**

Режа:

1. Педагогик технология назарияси ва унинг таҳлили.

2. Янги педагогик технология принциплари - таълимни ҳаракатлантирувчи куч.

3. Янги педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари ва уни юридик таълимга татбиқ этиш.

Ҳозирги кунда фан сифатида амалиётга татбиқ этилаётган "Педагогик технология" атамаси инглизча "An educational technology" сўзидан олинган бўлиб, таълим технологияси деган маънони англатади. Зеро, педагогик технология таълим жараёнига янгича, ўзига хос белги-хусусиятларга эга бўлган, тизимли, технологик ёндашувга асосланади. У ижтимоий тафаккур маҳсули, илмий-технологик фикрнинг таълим соҳасидаги лойиҳаси бўлиб, таълим жараёнини стандартлаштириш ва уни доимий такрорланадиган жараёнга айлантиришга қаратилган. Таълимда бундай такрорланувчи педагогик жараённи яратиш осон иш эмас, албатта. Чунки ўқув-тарбия вазибаларининг турли-туманлиги, таълим мазмуни ва ўқув материалларининг ҳар хиллиги, шунингдек, талабаларнинг билим савияси, қобилиятлари ҳамда хотира хусусиятлари бир хил эмаслиги ва бошқа шунга ўхшаш омиллар, кўпинча, стандартлаштиришга зид келади. Шунга қарамай, ривожланган хорижий мамлакатларда олимлар янги педагогик технология назарияси ва амалиётини ишлаб чиқдилар. Улар яратган педагогик

технология усули қайта такрорланадиган педагогик цикл бўлиб, таълим олишда олдиндан режалаштирилган натижаларни кафолатлайди.

Жамиятнинг ҳар бир фаол фуқароси ХХІ аср бўсағасида турар экан, ўтган даврни баҳолашга ва келажак ҳаётнинг турли қирраларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Таълим соҳасидагилар ҳам бундан мустасно эмас. Илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маънавият ва маданият соҳасига, ижтимоий-гуманитар билимлар доирасига ҳам янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боис, Б.Британия ва Франция китоб дўконларида "Мавжудлик учун ўқиш", "Тарбия дунёси бугун ва эртага" номли китоблар пайдо бўлди ва уларда замонавий технология таълим-тарбияни янгилашда ҳаракатлантирувчи куч эканлиги қайд этилди.

Бизнинг мамлакатимизда эса биринчи бўлиб, юртбошимиз Ислон Каримов томонидан таълимнинг **"Миллий модели"** яратилди ва уни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар томонлама, илмий асос-лаб берилди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи ва учинчи босқичида "Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш" жиддий вазифалардан бири этиб кўрсатилди.

Янги педагогик технология назарияси ва амалиёти қуйидаги принципларга асосланади:

- таълим-тарбия жараёнининг мазмун ва тузилиш жиҳатидан яхлитлиги, бирлиги;
- таълим жараёнини инсонпарварликка қаратиш ва замонавийлаштириш, қулай шароит яратиш, кам вақт ва куч сарфлаб, юқори натижага эришиш;
- педагогик амалиётга илмий асосланган дидактик янгиликларни жорий этиш, таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш;
- таълимда янги шакл ва янги воситалар, интерфаол методларни қўллаш;
- ўқитувчи ва талабанинг мақсади ҳамда интилишларидаги яқдиллик, қизиқувчанлик;
- педагогик жараёни жадаллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан кенг фойдаланиш;
- таълим-тарбия жараёни натижаларини ҳолисона баҳолаш, рейтинг мезонига амал қилиш, талабанинг билими ва кўникмаларини назорат қилиб бориш.

Таълим-тарбиянинг мақсади янгиланар экан, унга мос ҳолда таълимнинг мазмун-мундарижаси ҳам янгиланиши керак. Таълимнинг мазмуни ўқув дастурлари, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда ўз ифодасини топади. Шу муносабат билан олимларимиз олдида фан соҳалари бўйича таълимнинг янги мазмунини яратиш сингари юксак вазифа қўйилди.

Таълим тараққиётининг ҳаққоний ҳаракатлантирувчи кучи сифатида унга мос янги педагогик технология, янги педагогик тизим хизмат қилиши лозим. Янги педагогик технологияларни лойиҳалаш ва улардан таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш муайян қонуниятларга асосланади. Бу қонунлар янги педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва педагогик технология принциплари деб аталади.

Принцип - лотинча "principium" сўзидан олинган бўлиб "асос", "бош ғоя", "умумий талаб" каби маъноларни англатади. Биз педагогик технология принциплари деганда лойиҳаланган ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий маъёрлар ва талабларни тушунамиз.

Маълумотлилик асосида ётувчи бош ғоя ҳам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторитар ва сохта тафаккур усулидан воз кечган, сабр-қаноатли, ўзгалар фикрини ҳурматлайдиган, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кўзда тутган инсонпарварлик ҳисобланади¹.

Янги педагогик технология шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида мамлакатимиз таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз бе-ради, педагогик фаолият янгиланади, ўқитувчи ва талаба ёшларда ҳурфикрлилик, изланувчанлик, Ватанга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари шакллантирилади.

Демократик ҳуқуқий давлат, шунингдек, ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси бевосита таълим-тарбия тизимини янгилаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, илм-фанга янги технологияларни татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир.

Бугунги кунда олимлар ва ўқитувчилар илғор технологияларни ишлаб чиқишга астойдил киришишлари шарт ва улар бу ишга масъулдирлар. Шу маънода янги педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ва уларни ҳуқуқий тушунчалар ҳамда қонунчилик амалиёти билан ўзаро боғлиқ ҳолда талқин этиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Улар қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

1. Замоनावийлик. Юридик таълим амалиётига илмий асос-ланган, тажрибадан ўтган янгиликлар, фаол шакл ва методлар, қонун-қоидаларни жорий этишнинг долзарблиги. Аслида таълимнинг тараққиёт даражаси унинг мазмунига киритилаётган фан-техника янгиликлари билан тавсифланади. Таълим мазмунини узлуксиз янгилаб бориш Янги педагогик технологиянинг жиддий шартларидан биридир. Таълим жараёнида сусткашликка, ҳаракатсизликка йўл қўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам мавқега эга бўлиши, қонунчилик, давлат бошқаруви, фан ва техниканинг ривожланиши миллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга боғлиқ. Шунинг учун ҳам "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" олий таълим ва халқ таълими олдига замоनावий, миллий таълим-тарбия тизимини яратиш учун зарур бўлган қуйидаги вазифаларни қўйди:

- талабаларнинг маънавий камолотига катта эътибор қаратиш, уларда юксак эътиқод, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш;

- инсон шахсини, унинг қобилиятини ва лаёқатини ҳар томон-лама эъзозлаш, ёшлар орасидаги ташаббускорлик, ижодкорлик ва тадбиркорликка кенг йўл очиш;

- талаба ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолликларини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқаруви ишларида фаол иштирокини

таъминлаш;

- дарс жараёнига инновацион, интерфаол методларни татбиқ этиш ва ҳ. Ҳозирги кунда қонун асосида яшаш жамиятнинг устувор тамойилларидан бири ҳисобланади. Зеро, жамиятда қонун устуворлигини таъмин этмасдан туриб, кишиларнинг турмуш тарзини янгилашнинг имкони йўқ.

Президентимиз Ислоҳ Каримов иккинчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузаларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай деган эди: **"Аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини кенг кўламда амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Токи, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини билсин ва уни ҳимоя қила олсин"**.

Шунингдек, юртбошимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ғоясини илгари сурмоқдалар. Эркинлаштириш, аввало, демократик руҳдаги ҳаётбахш жараён бўлиб, унинг ҳуқуқий негизда янгиланиш ва ўзгаришлар тизими ётади.

2. Илмийлик. Ўқитиш технологияси - бу таълимни илмий асосда такомиллаштириш ёхуд илмийлик биринчи галда у ёки бу ечимнинг қиммати тўғрисидаги хусусий фикрга эмас, балки қабул қилинаётган ечимларнинг илмий далилланганлигига таяниш демакдир. Ўқитиш назарияси, айти пайтда, ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш техникасини ҳам доимий равишда ривожлантириш лозим. Бу эса ўз навбатида таълим-тарбия жараёнини узлуксиз тадқиқ қилишни, унинг натижаларини амалиётда кўллаш зарурлигини кўзда тутати.

Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш энг мураккаб ва ўта масъулиятли жараён ҳисобланади. Шу боис, қонун тили ҳуқуқий муносабатларнинг шаклий ифодаси бўлса, қонунчилик услуги бу соҳа ифода усулининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганади.

Қонунчилик услубияти, унинг мақсад ва вазифаларини юридик фанлар доирасидаги тушунтиришнинг ўзи илмийлик жиҳатидан етарли эмас. Бунда кўпинча туб моҳият очилмай қолади. Чунки қонунчилик услубияти юридик ва лингвистик билимлар ўртасидаги маълум бир илмий йўналиш бўлгани сабабли у ана шу икки соҳанинг ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади. Қонунчилик юридик билимлар, услубият эса лингвистик билимлар маҳсулидир.

3. Аниқлик. Таълимда ўқув лойиҳасининг аниқлик даражасига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ўқитувчи-педагог ёки талаба қайси фаолиятни бажариш зарурлигини, қандай билимларни, қайси ҳажмдаги ўзлаштириш ёки таҳлил қилиш чегарасини чуқур англаган бўлиши керак. Бу борада ўқитувчи фаоллик кўрсатиб, ҳар бир фандан ўқув режани ўқув дастури ва дарсликлар билан таққослаб, уларнинг ўзаро аниқ мос келишини таъминлаши лозим.

Ҳуқуқий нормалар мазмун-моҳияти жиҳатидан қанчалик халқчил, халқаро талаблар даражасида бўлмасин, қонун ҳужжатлари матнида қулай ифода усуллари топилмас ёки у эски, ноаниқ тилда ёзилар экан, бу

фуқароларда, аввало, ана шу қонунларнинг ўзига, қолаверса, ҳуқуқий нормаларга нисбатан меҳр-муҳаббатини пасай-тиради, уларни қонунлардан бездиради. Чунки фуқаро қонун матнини бир неча марта ўқиб ҳам тушунмаса, бундай ҳол уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан маданиятсиз, саводсиз бўлиб қолишига олиб келади. Айниқса, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар матнлари юридик ҳамда лингвистик нуқтаи назардан тўғри ва аниқ тушунарли ва юқори саводли ёзилиши шарт.

4. Ахборот технологияси билан таъминланганлик. Замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланиш Янги педагогик технологиянинг энг асосий ва муҳим белгиларидандир. Миллий дастурда ўқув-тарбиявий жараёни бошқаришнинг бу муҳим восита-сига алоҳида урғу берилган. Уларга компьютер, электрон алоқа, радио, телевидение, магнит тасмалари, видео тасмалар ва лингофонлардан фойдаланиш кабилар киради. Таълим жараёнини компьютерлаштириш педагогик технологиянинг истиқболли йўналишларидан биридир. Бунда зарур моддий-техник базанинг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ва талабанинг самарали фаолият кўрсатиши учун янги техникавий база яратиш, уни лойиҳалаш талаб этилади. Масалан, қувватли техник воситалардан фойдаланиш масаласи ўқув биноси қурилмасдан олдин, яъни лойиҳаланаётгандаёқ, ҳисобга олиниши, қатор шароитлар (иқлим, ёруғлик, мебель, техника воситаси кабилар) яратилиши керак бўлади. Кўринадики, аудиториядан бошлаб, то нашриёт ишларигача таълим воситалари таркибига киради ва уларсиз замонавий технологияни тасаввур қилиб бўлмайди.

3-мавзу: Олий ўқув юртларида таълим жараёнини мақсадли ташкил этиш

Режа:

- 1. Таълимда қўйилган мақсадга эришиш усуллари.*
- 2. Таълимда ўқитувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий фаоллигини таъминлаш.*
- 3. Таълимда қўйилган мақсадга эришилганликни баҳолаш.*

Таълим - кўп мақсадли жараён. Таълим мақсадлари тизимини ўрганиш йўли билан ўқув-тарбия жараёнини илмий лойиҳалаш мумкин. Бунда қуйидагича ҳолатларни таъкидлаш жоиз:

1. Таълим мақсадларини жамият даражасида тасаввур этиш. Жамиятнинг бош мақсади маълумотли, маданиятли ва ҳуқуқий онги юксак фуқароларни етиштириб чиқаришдир. Замонавий педагогик изланишларда комил инсон тарбияси етакчи муаммо бўлиб қолди. Юртбошимиз И.А.Каримов асарларида комил инсон масаласи жамиятни ривожлантирувчи асосий куч сифатида тавсифланади:

"Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айни шунинг

учун ҳам маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди".¹

Ўзини ва ўзлигини теран ҳис қилган, халқ фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида тинмай фаолият кўрсатадиган, кенг дунёқарашли кишиларни комил инсон, деб тушунамиз.

2. Таълим мақсадларини педагогик амалиёт даража-сида тасаввур этиш. Ўқитиш деганда уч хил тушунча англашилади: ёш авлодни саводли, маълумотли қилиш (1); шахсни шакллантириш ва ҳар томонлама ривожлантириш (2); маънавий етук, комил инсон тарбиялаш (3).

Маълумотли қилиш - ёшларни ҳозирги замон фани, ишлаб чиқариш техникасининг умумий асослари билан таништириш. **Ривожлантириш** - ёшларнинг фикрлаши, тафаккурини ўстириш, хотираси ва қобилиятларини тараққий эттириш. **Тарбиялаш** эса ёшларда табиат, жамият ва борлиққа нисбатан онгли муносабатни шакллантириш, нафис дид пайдо қилиш демакдир. Ўқитиш лойиҳаланган таълим жараёнида амалга оширилади. Ҳар қандай таълим лойиҳасининг (масалан, дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари ва ҳ.) истеъмолчиси талаба ёки ўқувчидир.

Билим, кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган тўғри маълумотлари ёки ахборотларидир. Билим, ижтимоий меҳнат ва тафаккур маҳсули бўлиб, оламнинг объектив, қонуний алоқаларини тил воситасида ифода қилади. Билим, билиш билан узвий боғлиқ, яъни унинг натижаси ва таркибий қисми саналади. Инсон ижтимоий ҳаёт жараёнида билмасликдан билишга, мукаммал ва аниқ бўлмаган билимлардан атрофлича ва чуқур билимлар ҳосил қилиш сари боради. Ҳар бир янги авлод ўзидан олдинги авлод тўплаган билимини ўзлаштиради, янги-янги ҳодисаларни чуқур ўрганиб, уни бойитади. Билим кундалик тажриба, илмий кузатиш ва назариялар орқали тўпланади.

Таълимда, хусусан, юридик таълимда қўйилган мақсадга эришишнинг яна қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ҳодисани ёки жараённи (масалан, суд жараёни, тергов жараёни бўлиши мумкин) кичик-кичик бўлақларга, мавзуларга ажра-тиб ўрганиш. Прокурор нутқи, судья нутқи, адвокат нутқи, ҳукм каби.
2. Ўрганилаётган ҳодисани мураккаблаштира бориб, кенгай-тира бориб, сўнгра уларни таққослаш.

Тест усули ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас. Масалан, тест талабанинг мустақил фикрлаш қобилиятини қолиплайди, яъни чеклайди; талаба ўзининг руҳий кечинмаларини намоён қила олмайди; талабанинг бошқа шахсий сифатларини баҳолаб бўлмайди.

Шунга қарамай, педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари жуда катта. Тестдан тўғри ва ўринли фойдаланиш таълим тизи-мининг барча бўғинларида ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади, талабанинг билиш фаоллигини оширади.

Ҳар бир ўқитувчи-педагог, таълим бошқаруви идораларининг

ходимлари тест маданиятини, тест назарияси ва амалиётини чуқур ўрганишлари лозим.

4-мавзу: Таълим технологиялари ва ўқитувчи-педагог фаолиятини моделлаштириш

Режа:

1. Таълим технологиясининг тараққий этиш босқичлари.

2. Талабаларнинг билим ўзлаштириш жараёни ва уни бошқариш.

3. Ўқитувчи-педагог фаолиятини моделлаштириш. Жаҳонда интеграция ва глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб, ҳаётнинг барча жабҳаларини, биринчи навбатда, таълим соҳасини кенг қамраб олмақда. Илгари мамлакатнинг тараққиёти ва куч-қудрати ундаги мавжуд табиий бойликлар ва иқтисодий салоҳияти билан белгиланган бўлса, эндиликда ҳар қайси миллат имкониятларининг ҳал қилувчи белгиси этиб, ундаги билим ва маърифат, инсонларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти кабилар кўрса-тилмоқда.

Илм-фан, техника, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳаларининг тезкор суръати, ахборот манбаларининг кўпайиб, ҳажман кенгайиб бориши шароитида педагогик фаолият жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларда мустақил фикрлаш кўникма-сини шакллантириш лозимлиги тобора равшан бўлиб бораётир.

Ўқиш ва ўқитиш - инсон фаолиятининг бошқа соҳалари сингари ижтимоий фойдали фаолиятдир. Лекин унинг самараси тезда ёки дарҳол кўзга ташланавермайди. Иқтисодий тузумлар нима ишлаб чиқараётгани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқараётгани ва қанақа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланаётганлиги билан бири иккинчисидан фарқланади, деган ғоя ўқиш ва ўқитиш ишла-рига ҳам тўла тааллуқлидир.

Шу нуқтаи назардан қараб, таълим технологиясининг ривожланиш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Тингловчи ёки талабалар учун бирламчи ахборот манбаи ўқитувчининг ўзи бўлиши.

2. Ўқув жараёнини замонавий дарслик, ўқув қўлланмалари ва маъруза матнлари билан таъминлаш.

3. Ўқитишда оддий техник воситалардан фойдаланиш.

4. Ўқитиш жараёнига замонавий ЭҲМ ва янги педагогик технологияларни татбиқ этиш.

Инсониятнинг ривожланиш даврлари алмашганда, педагогик технологиялар бутунлай йўқолиб кетмайди, балки у кейинги даврларга ғоявий нуқтаи назардан боғланиб, янги сифатлар ва хусусиятларга эга бўлади, бойийди. Кейинчалик, бу жараён тезлаша боради. Масалан, кишилиқ тарихида, дастлаб, ўқитувчи ўз билими ва маҳоратига таяниб фаолият кўрсатган. Сўнгра, диний ва дунёвий мазмундаги қўлёзмалар пайдо бўла бошлаган. Ҳатто, ўқув фанларидан китоб ва дарсликлар яратиш ҳам қарама-қаршилиқлар кураши натижаси сифатида рўёбга чиққан.

Ҳозирги кунда ҳам кўпгина таълим соҳаларида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш, уни ташкил этишга уриниш паст даражада. Республикамизни ривожланган мамлакатлар қаторига чиқариш мақсадида, таълим - Ўзбекистон давлатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Миллий дастурда асосий эътибор ривожланган мамлакатлар даражасида рақобатбардош, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаган, юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қаратилган.

Олдиндан аниқ билиб олинган ахборотларга таянмай, тусмоллаб хато йўл тутиш таълим-тарбия иши учун характерли эмас. Ўқитувчи-педагог ҳар бир фаолиятни олдиндан аниқланган ёки ўзлаштирилган ахборотлар асосида бажаради.

Билиб олинган ахборотдан фойдаланиш усули бўйича ўқув фаолияти репродуктив (каммаҳсул) ва продуктив (маҳсулдор) турларга ажратилади. Репродуктив фаолиятдан табиий равишда продуктив фаолият ўсиб чиқади.

Репродуктив фаолиятда талаба ўзлаштирилган алгоритмлар ва қоидаларни ҳар хил кўринишларда қайта ишлаб чиқади, холос. Дастлабки билиб олинган маълумотларга талаба ўз фаолияти давомида бирор янги ахборот қўшмайди. Алгоритмик ҳаракатлар, яъни яхши таниш шароитларда ва аниқ тасвирланган қоидаларга биноан ҳаракат қилиш репродуктив фаолиятга хос бўлган хусусиятдир.

Продуктив фаолиятда талаба ҳар доим ўқув жараёнида ўзлаштирилган маълумотларга нисбатан янги ҳаракатлар яратади, яъни мавжуд ўқув материалдан фарқ қиладиган, янги ахборотларни юзага келтиради. Продуктив фаолият репродуктив фаолият билан ўзаро боғлиқ бўлиб, билим эгаллашда бу икки босқич бир-бирига мос ҳолда ривожлантирилади.

Ўқув жараёни учта бир-бири билан боғлиқ компонент (қисм)лардан иборат:

1. Мотивлар (М)
2. Ўзлаштириш фаолияти (ЎФ)
3. Билиш фаолиятини бошқариш (Б)

Бошқариш вазифасини ўқитувчи ёки техник восита бажаради. Дидактик жараённи қуйидагича формулада ифодалаш мумкин:

$$ДЖ=М+ЎФ+Б$$

Бунда ДЖ - дидактик жараён. Ўқув жараёни компонентларининг ҳар биридан, қандай мақсад назарда тутилганига қараб, турли ўқитиш технологиялари ҳосил бўлади. Уларнинг сони кўп бўлиши мумкин.

Мавжуд технологиялардан қай бирини танлаш, таълим жараёнида эришиш мумкин бўлган имкониятлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

1. Мотивлар - "интилиш", "қизиқиш", "майл", "эҳтиёж" каби маъноларни англатади. Агар ўқув иши талаба учун бирор шахсий қимматга эга бўлсагина, таълимнинг мақсади талабанинг эҳтиёжига айланади. Демак, мотив кишиларни бирор хатти-ҳаракат бажаришга ундовчи даъват ёки турткидир. Ўқитувчи-педагог буни ўқув жараёнида ҳисобга олиши зарур.

Мотивлар ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди. Мотив ҳосил қилишнинг турли усуллари мавжуд. Дарс жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш, мавзуни ўрганишда талаба ёки ўқувчи учун аҳамиятли бўлган вазиятларни кўя билиш ҳам мотив ҳосил қилишнинг усулларида бири.

Таълимнинг мақсади мавҳум ёки ноаниқ бўлса, тингловчи билим олишга қизиқмай қўяди ёки нолиб юради. Демак, таълимнинг мақсади аниқ бир касбни эгаллашга қаратилган бўлсагина, талабада мазкур фанни эгаллашга майл, интилиш, қизиқиш, яъни мотив ҳосил бўлади.

2. Ўзлаштириш фаолияти - талабанинг тегишли билим ёки кўникмага эга бўлишидир. "Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", - дейди доно халқимиз. Ўқув жараёнида талабанинг бирор ҳодисани эшитиши ёки кўриши ҳам етарли эмас, балки талаба мазкур ҳодисани мустақил бажариб, яъни амалиётга татбиқ этиб кўриши керак бўлади. Бунда талаба ўқув материални қайта тиклай олиши, танқидий мушоҳада юритиши, вазифани бажариш ёки муаммони ҳал этишда қулай усулни танлай олиши, айниқса, муҳим ўрин тутди.

3. Билиш фаолиятини бошқариш - лойиҳалаштирилган таълимда кўзланган натижаларга эришиш учун талабадаги ўқиш мотивлари ва ўзлаштириш фаолиятининггина мавжуд бўлиши етарли эмас. Таълим жараёнини бошқариш усули ҳам тўғри танланган тақдирдагина, ўқув жараёни тўлиқ лойиҳаланган бўлади.

Билиш фаолиятини бошқаришнинг энг оддий усули талабаларнинг ўзлаштириш сифатини вақти-вақти билан назорат қилиб боришдир. Бунда назоратнинг турли шаклларида фойдаланиш мумкин. Масалан, **савол-жавоб, тест, ёзма иш, мустақил иш, анкета** ва бошқалар.

Ўқув жараёни лойиҳаси

Назорат қилиш

Таълимнинг умумий мақсади

Таълимнинг мазмуни

Ўқиш ва ўқитиш

Баҳолаш

Хатони тузатиш

Моделлаштириш ҳозирги кунда табиат ва жамиятнинг турли объектларини ўрганиш усули сифатида фан оламида кенг кўламда қўлланилмоқда. "Модел" тушунчасининг ўзи умуммиллий характерга эгадир. Айни пайтда, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, регионал алоқалар, техникавий қурилмалар, умуман, турли жараёнлар моделлаштирилган.

Моделлар турлича кўринишларга эга бўлса-да, улар одатда умумий асосларга қурилади. Модел билан ишлаш объект тўғрисида бошқа усуллар билан билиш мумкин бўлмаган, янги ахборотларни олишга, улардаги мавжуд қонуниятларни текширишга қўл келади.

Агар модел ёрдамида текшириб, синаб кўрилган натижалар ундан

хақиқий объектга кўчирилса, бундай усул фанда **моделлаштириш** деб аталади.

Кейинги йилларда педагог олимларимиз ҳам у ёки бу муаммони ҳал этишда моделлаштириш усулига мурожаат қилмоқдалар. Бунинг сабабини кўйидагича изоҳлаш мумкин:

Уни кўллаш натижасида кечаётган, бошқа тадқиқот методларини кўллаш билан аниқлаб бўлмайдиган, янги маълумотларни олишга эришилади.

Хўш, ўқитувчи-педагог фаолиятини моделлаштириш ўзи нима? Ўқитувчи фаолиятининг модели - бу олий таълим томонидан кўйиладиган талаблар йиғиндисини ўзида мужассамлаган фаолият субъектларининг конструкцион тизимидир. Соддароқ ифодаласак, модел "Ўқитувчи тўлиқ фаолият кўрсатиши учун нималар талаб этилади?" - деган саволга тугал жавоб бериши керак. У бирор инсон меҳнатининг мазмунини ифодаловчи эмас, балки бир бутун, яхлит ижтимоий муносабатлар ва фаолиятларни ифодаловчи конструкциядир. Шу боис, ўқитувчи-педагог фаолиятини моделлаштиришда комплекс ёндашув қабул қилинган.

Ўқитувчи-педагог фаолиятининг модели:

Фаолият мақсади (давлат буюртмаси)

Шахслар,

Фаолиятлар

Билим, кўникма, малака

Касбий маҳорат,

шахсий сифат,

тажриба

Вазифалар, муаммолар

Методлар,

шакллар,

техник воситалар

5-мавзу: Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели

Режа:

1. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва касбий-педагогик маҳоратни ривожлантириш.

2. Олий ўқув юртлари - таълимнинг янги босқичида.

1. Баркамол авлод ёхуд "Портлаш эффекти".

2. Мустақил Ватанимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда мафкуравий ислоҳотлар мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик мақсади - бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга йўналтирилган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун замин яратмоқда.

Президент Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида

тайёрланган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", шубҳасиз, ўз мазмун-моҳиятига кўра, фақат таълим-тарбия тизимини, кадрлар тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш билангина чегараланиб қолмасдан, давлатимиз ва миллатимизнинг келажакдаги равнақи учун улкан маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Миллий дастурнинг асосий мақсадларидан бири, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол мавқени эгаллайдиган, мафкуравий жараёнларга онгли равишда таъсир кўрсатадиган, оиласи ва Ватани олдида жавобгарликни ҳис эта оладиган, мустақил фаолият кўрсатувчи, эркин фикрловчи шахсни шакллантиришдир. Айти шу мақсадда, яъни шахс имкониятларини ҳар томонлама таъминлайдиган, унинг ривожланишини кўзда тутувчи замонавий узлуксиз таълим тизими жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосини **"Кадрлар тайёрлаш миллий модели"** ташкил этади. Юртбошимиз томонидан таклиф этилган, кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган ушбу модели бугунги кунда ҳақли равишда дунёга машҳур бўлмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўзида қуйидаги тушунчалар тизимини мужассам этади:

Шахс Давлат ва жамият. Узлуксиз таълим. Фан Ишлаб чиқариш.

Модел мустақил ижтимоий-иқтисодий воқелик сифатида, ўз мазмун-моҳияти ва тузилиши жиҳатидан дунё амалиётида учрамайдиган яхлит тизим ҳисобланиб, шахснинг интеллектуал ривожланиши учун хизмат қилади. Масалан, **шахс** кадрлар тайёрлаш тизими ва миллий таълим моделининг объекти ва айти пайтда, субъекти ҳисобланади. Зеро, ҳар бир инсон шахс даражасига узлук-сиз таълим тизими, ижтимоий тарбия ёрдамидагина кўтарилиши мумкин. Шу боисдан, кадрлар тайёрлаш борасидаги давлат сиёсати эркин шахсни маънавий-ахлоқий тарбия жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим орқали шакллантиришни кўзда тутуди.

Шахснинг ижтимоий фаоллиги ва сафарбарлигини ошириш, унинг меҳнат бозорига мослашувини таъминлашда таълимнинг демократлашуви ва инсонпарвар характерга йўғрилиши жуда муҳим омил ҳисобланади. Аслида бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти ҳам субъектлар ўртасидаги муносабатларни демократлаштириш, рақобатни вужудга келтириш ва ривожлантириш, ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, мустақил ҳолатда иш юритишдир. Меҳнат бозори таълим тизимига ҳам таъсир ўтказди ва тегишли талаблар қўяди. Масалан, таълим дастурларини ихчамлаштириш ва табақалаштириш, унинг мазмунини давлат ва жамият эҳтиёжлари асосида янгилаб туриш, кадрлар малакасини рақобат муҳитига мос ҳолда ошириб бориш ва бошқалар.

Шахс анъанавий ўқитиш жараёнида объект ҳисобланган бўлса, бугун у субъектга айланмоқда. Бошқача ифодаласак, "Объект-субъект" тизими ўз

ўрнини "Субъект-субъект" тизимига бўшатиб бермоқда. Миллий таълим моделининг ўзига хос жиҳати ва янгилиги ҳам ана шундан иборат.

Узлуксиз таълим миллий моделнинг таркибий қисми сифатида малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб,, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият жараёнини ўз ичига олади. Узлуксиз таълим тушунчаси ўзининг кенг қамровли ва бир мунча мураккаб вазифаларни бажариши билан характерланади.

Таълим-тарбия жараёни педагогнинг юксак ахлоқий фаолиятига маънавий савиясига, мафкуравий қарашларига асосланади. Талабаларда дунёвий тафаккурни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш жараёнлари педагогнинг касбий маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи педагогнинг шахсий фазилатлари:

- талабчанлик ва адолатлилик;
- фидойилик ва ҳалоллик;
- изланувчанлик ва хайрихоҳлик;
- жиддийлик ва одил баҳолаш.

Ушбу фазилатлар педагогни "устоз" даражасига кўтаради, талабалар олдида обрў-эътиборини оширади, унинг шахсий меҳнат унуми ва самарасини юксалтиради.

Талабаларнинг билими ва кўникмаларини объектив назорат қилиш ва баҳолай олиш маҳорати таълим-тарбия жараёнининг самарасини белгиловчи сифат кўрсаткичидир. Педагог талабалар билимини назорат қилишнинг объектив ва субъектив методларини мукамал билиши, қўллай олиши, рейтинг тизимини бошқариб бориш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Педагогнинг умумлаштирилган модели ўзгарувчан, динамик тарзда ривожланувчан характерга эга бўлиб, янги талаблар ва малака ошириш усуллари билан бойитилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида олий таълим махсус ўрин эгаллайди. Олий таълимнинг мақсади республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлаш, бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат.

Давлат таълим стандартлари доирасида олий маълумот олиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун очикдир. Олий маълумот олишда икки йўл мавжуд:

1. Давлат грантлари асосида олий таълим олиш;
 2. Тўлов-контракт асосида олий таълим олиш. Олий таълим
- ўрта-махсус касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки босқичга эга:
1. Бакалавриат
 2. Магистратура

" Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги даражалари мавжуд:

Университет - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради;

Академия - кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

Институт - билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра, олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Ўзбекистон халқи ўз олдида ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашга олиб келади. Негаки, дунёнинг бугунги ривожини шундай бир мавқедаки, ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, фикрда, ақлда, илғор технологиялардадир.

Президент Ислам Каримов томонидан лутф этилган: **"Куч -билим ва тафаккурда"**, деган ҳикмат бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

"... Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги "Портлаш эффектига"га, яъни унинг самарасига эришамиз... . Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, ирода-си бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин, онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадларидан чалғитиб ҳам бўлмайди".¹

Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини замонавий таълим-тарбия асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар билан таъминлаш - давр тақозосидир.

II боб. Таълимнинг инновацион, интерфаол методлари ва уларни юридик таълимга татбиқ этиш

6-мавзу: **Танқидий фикрлаш мезонлари - билишнинг асоси**

Режа:

1. Баҳсга киришиш қоидалари.

2. Танқидий фикрлаш босқичлари.

Ҳар бир ақлий фаолиятнинг қонун-қоидалари бўлганидек, баҳс ёки мунозарага киришишнинг ҳам ўзига хос қоидалари мавжуд. Уларни яхши билмасдан туриб, баҳсга киришилса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Ёки баҳс аксинча натижа бериб, вақт-фурсат кўпроқ бой берилиши, ҳатто турли зиддиятли низоларга олиб келиши ҳам мумкин. Бундай баҳс-мунозаралар эса педагогик фаолиятга мутлақо зиддир.

Хўш, баҳсга киришишдан олдин, талабаларда қандай назарий тайёргарликлар бўлиши керак? Қуйида ана шулар хусусида тўхталамиз:

- баҳс-мунозара жараёнида барча иштирокчилар педагогик этика ва эстетика талабларига тўлиқ амал қилишлари шарт;
- баҳсга киришувчи ҳар бир талаба, аввало, мустақкам билим, мустақил фикр ва тегишли мавзу ёки савол юзасидан аниқ фактларга эга бўлиши лозим;
- баҳсли саволларни ечиш жараёнида талабаларнинг ўзгалар фикрини тинглаши, ўз фикрини ҳимоя қила олиши, айти пайтда, ўзининг хато фикрларини ўз вақтида англай билиши кабилар ҳам талаб этилади;
- қарама-қарши ғояларни муҳокама этиш, айтқиса, талабалардан чуқур мулоҳаза юритиш, танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш, фикрларни аргументлаш ҳамда асоссиз танқидлардан воз кечишни талаб этади;
- баҳс-мунозара мавзулари муайян изчилликда, соддадан мураккабликка, шунингдек, алоҳидаликдан умумийликка қараб бориши керак;
- баҳсга киришишда фикрларни зудлик билан марказлаш-тириш (синтез), аксинча алоҳидалаштириш (анализ) ва мувофиқлаштириш (координация) каби усуллар муҳим аҳамият касб этади.

Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз олдида турган муаммоларни оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан, талабаларни дарсларда кўпроқ баҳсли тортишувларга сабаб бўладиган муаммолар ечимини топишга жалб этиш лозим. Баҳсли саволларни ечиш жараёнида талабаларда тинглаш, мулоқот олиб бориш, турлича фикрларни таққослаш, бошқа кишилар тақдирига бефарқ қарамаслик каби хислатлар шакллана боради, муаммони ечиш ва тегишли ҳукм чиқариш, таҳлилий фикрлаш қобилиятлари ривожланади, маълум кетма-кетликда тафаккур юритиш, тўғри ечимларни топиш малакалари ўзлаштирилади.

Мунозарали саволларни йиғиб-ёйиб, таҳлил қилиш ва аниқ фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун талайгина усуллар қўлланилади. Воқеликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Талабанинг мустақил, эркин фикрлаши учун шароит яратиш.

Ўртага ташланган муаммо бўйича фикр юритиб, ўз ўрнини аниқлаб олиш учун имкон берилади. Бирор воқеа-ҳодиса ёки унинг рўй бериши хусусида талабаларга саволлар билан мурожаат қилиш мумкин, масалан:

Нима учун аҳолининг ҳуқуқий онгини ўстириш керак, деб ҳисоблайсиз?

Бу фикрга яна нималарни қўшимча қила оласиз?

2. Талабанинг фикрлаш асосларини текшириш. Талаба бирор мавзу юзасидан фикр юритганда, албатта, тегишли асослар, далиллар келтиришга ҳаракат қилади. Лекин ҳамиша ҳам шунақа бўлавермайди. Баъзан етарли асосларсиз баҳсга киришиш мумкин. Бундай ҳолларда, ўқитувчи талабанинг фикрлаш асосларини текшириб кўриши керак. Текшириб кўриш учун турли саволлар, таклифлар ва қарши фикрлардан фойдаланилади.

3. Ўзгалар фикрини тинглаш ва уни ўрганиш. Маълумки, баҳсга киришишда ёки мураккаб муаммоларнинг ечимини топишда ўзгалар фикрини тинглаш кўникмаси жуда ҳам аскотади. Бундай кўникмани талабаларда шакллантириш, айниқса, муҳимдир. Талаба ўзининг ожизлиги, шунингдек, ўзгалар фикрининг ғолиблигини осонликча тан олавермайди. Аслида эса ўзгаларнинг тўғри, ўринли танқидий фикрларига ҳурмат ва эҳтиром билан қараш лозим.

Бир-бирига тўғри келмайдиган ўзаро зид фикрларни ҳар бир иштирокчи ёки суҳбатдош диққат билан ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, қиёслаб, сўнгра ўз хулосаларини, аргументларини келтириши керак бўлади. Бундай вазиятда агар хато фикрлашга йўл қўйилса ёки янглишиб кетилса, дарҳол уни тўғрилаш ва хатони тан олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

4. Ўртага ташланган муаммо юзасидан умумий фикрга келиш ва хулосалаш.

Бу "Танқидий фикрлаш" методининг сўнгги босқичи ҳисобланиб, талабалар томонидан билдирилган турлича фикрлар қайтадан баҳоланади ва мутаносиблик аниқланади. Бунда қайси натижа қулай ва ишончли, кимнинг чиқиши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳисобга олинади. Муаммонинг ечимига яқин бўлган бир неча ғоялар саралаб олиниб, умумий хулоса ясалади.

Бу метод кўпроқ ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришда қўлланади. Аслида қонунлар тафовутларни ечиш учун хизмат қилади. Ҳуқуқни танқидий ўрганиш, талабаларнинг жамиятда рўй бераётган тафовутли саволларга нисбатан фаоллигини оширади, уларнинг оилада, жамиятда ўз ўрнини топишларига кўмаклашади.

7-мавзу: Таълимга янгича ёндашув ва интерфаол методлар

Режа:

1. *Таълимга янгича ёндашув – давр талаби.*

2. *"Ақлий ҳужум", "Ажурли арра", "Мунозара", "Ўз ўрнингни топ" методлари, уларни амалий дарсларда қўллаш.*

Ҳозирги кунда таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Чунки ёш авлоднинг дунёқараши тубдан ўзгарди. Демократия ва матбуот эркинлиги, шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари Конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали белгилаб берилди. Юртимизда ўз мустақил фикри ва қарашларига эга бўлган ёш авлод етишиб келмоқда. Ташаббускор ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва бошқариш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига эга бўлган, Ватани, ўз тили, маънавияти, маданияти ва миллий қадриятлари билан фахрлана олган шахсгина мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади. Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг билим ва тафаккури, одоби ҳамда ахлоқи жамиятда янги иқтисодий муносабатларни қарор топтириш, моддий неъматлар яратишга қаратилган ва айни пайтда, ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Ана шундай ижобий хислатларга эга бўлган инсонларни тарбиялаш янги таълим тизими зиммасига юклатилган.

Янги педагогик технология ҳозирги кунда таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин бўлган методлар тизимидир. Дунёнинг ривожланган давлатлари таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда таълимни ташкил этиш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, юқори малакали кадрлар етиштириш, мутахассислар тайёрлаш вазибаларини ҳам ҳал этмоқда. Шундай экан, олий ўқув юртлари талабаларига таълим бериш, уларда кўникма ва малакалар ҳосил қилишда педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим жараёнини йўлга қўйиш, жаҳон андозаларига мос келадиган, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда, айниқса муҳимдир.

Технология термини техника сўзидан олинган бўлиб, у фақат педагогика соҳасидагина эмас, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг қўлланилиши мумкин.

"Техника"¹ сўзи асли юнонча бўлиб, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган меҳнат қуроллари, уларнинг такомиллашган механизмлари, мослама, аппарат ва бошқалар мажмуи демакдир. Ёки бирор иш-ҳаракатни бажариш йўллари, усуллари, шундай усулларни эгаллаш маҳорати, санъати каби маъноларни англатади. Кўринадики, технологияларни инсон фаолиятининг исталган томонига, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, кадрлар тайёрлаш, қурилиш, ободонлаштириш, савдо-сотиқ ва бошқа ишларга татбиқ этиш мумкин. Технология тушунчасига самарали ва жадал усуллар мажмуи сифатида қарашимиз лозим.

Американинг "Кўча қонуни" дастури бугунги кунда ер юзининг кўплаб давлатлари таълим тизимига ўрнашиб бормокда. Бунга сабаб дастурдан ўрин олган юзлаб ўқиш методларининг фаоллиги, жозибалилиги ва таъсирчанлигидир. Улар ёрдамида талабалар ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўладилар.

Ўқитувчи таълим жараёнида бу методлардан оқилона фойдаланиши, уларни мавзуларнинг содда ва мураккаблигига қараб, вақт имкониятларидан келиб чиқиб, амалиётга татбиқ этиши лозим.

Қуйида ана шундай интерфаол методларнинг бир неча хилини таҳлил ва тадқиқ этамиз.

"Ақлий ҳужум" методи

Бу методнинг номидан маълумки, ақл воситасида битта муаммога ҳужум уюштирилади. Ҳамма биргаликда бир ҳодисага ёки бир муаммога фикрини қаратса, у ҳолда шу муаммонинг ечимини топиш енгиллашади. Агар муаммони ечиш оғирроқ бўлса, ҳужумни кетма-кет уюштириш мумкин. Талабалар ўзаро бир-бирига ақлий ҳужум қилмай, биргаликда битта муаммога ҳужум қиладилар.

Унинг асл моҳияти, жамоа ҳамкорлигида муаммони ечиш жараёнини вақт бўйича бир неча босқичларга ажратишдан иборат. "Ақлий ҳужум" методининг мақсади талабаларда ижодий, ностандарт фикрлаш қобилиятларини шакллантириш. Бу методни катта гуруҳда ёки кичик-кичик гуруҳларда ҳам қўллаш мумкин.

Дастлаб, гуруҳ йиғилади ва улар олдига муаммо қўйилади. Муаммо ечими ҳақида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч ким ўзга киши ғояларига ҳужум қилмайди ёки муносабат билдирмайди. Бундай усул воситасида ўнлаб янги ғояларни юзага чиқариш имконияти пайдо бўлади:

1. Ўйин иштирокчиларининг ҳар бири фаол бўлиши лозим.
2. Илгари сурилган ғоялар танқид остига олинмайди.
3. Муаммо ечимидан узоқроқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади.
4. Барча ғоялар (фаразлар) ёзма қайд этилади.
5. Метод самараси фикрларнинг хилма-хиллиги билан тавсифланади.

Навбатдаги босқичда муаммонинг ечимига яқин бўлган 5-6 та асосий ғоя танлаб олиниб, баҳоланади. "Ақлий ҳужум" методи қўлланилишига кўра универсал бўлиб, ўқув материалларини тезкор ўзлаштириш, фаол фикрлаш ва кенг доирада тафаккур юритишга имкон яратади.

Мазкур метод учун муаммо сифатида юридик соҳага оид истал-ган жараённи ёки иш юритиш ҳужжатларини (Масалан: суд қилиш, тергов, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва б.) олиш мумкин. Бу ҳақда 1-,2- иловаларга қаранг.

"Ажурли арра" методи

Французча **Ajour** сўзидан олинган бўлиб, "бир ёқдан иккинчи ёққа ўтган" деган маънони англатади. "Ажурли арра" деганда, кўч-ма маънодаги, яъни арра ҳаракати жараёнига ўхшаш, бир томондан иккинчи томонга ўтиб амалга ошириладиган усул тушунилади. Бунда талабалар аввал бир жойда ишлайди, тайёрланади, сўнгра, бошқа жойга ўтиб, "эксперт" гуруҳини ҳосил этади ва иш фаолиятини давом эттиради, кейин яна "ўз уйи"га қайтади. Бу эса арраинг ҳаракатланишига ўхшайди. Мазкур метод ёрдамида талабаларнинг ҳамкорликда ишлашига, қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришига имконият яратилади.

"Ажурли арра" методи қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқитувчи ўтилган мавзулар асосида талабаларнинг ҳар бирига мўлжалланган ахборотли пакет тайёрлайди. Унда қўшимча тарзда журнал, газета ва бошқа манбалардан материаллар бўлиши керак. Улар бир хил қоғозда ва бир хил рангда бўлади.

2. Талабалар аввал "ўз уйи", сўнгра, "эксперт" гуруҳларга бирлашиб, топшириқларни мустақил бажарадилар. Биринчи босқич - "ўз уйи"да тайёрланиш ва иккинчи босқич - "эксперт" гуруҳларга бирлашиш. Ҳар икки босқич учун аниқ вақт белгиланади ва у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир гуруҳда 3-7 тадан талаба бўлиши мумкин. Талабалар ҳар бир босқичда олдиндан аниқ режаланган (лойиҳаланган) вазифаларни бажариб, ўз маҳоратлари, билим ва малакаларини намоёниш этадилар. Ўқитувчи экспертларнинг баҳоси ва изоҳларини ҳисобга олиб, уларни умумлаштиради ва хулосалайди.

3. Мазкур методни амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчидан ижодий изланишлар талаб этади. Ўқитувчи дарслик, қўлланма, журнал, газета ва бошқа ўқув манбаларидан кенг фойдаланган ҳолда, юридик таълим соҳасига оид янги муаммолар, ғояларни олиб, уларни ҳар бир қатнашчи учун алоҳида тайёрлайди. Қўйиладиган савол ёки муаммо Олий Мажлис сессиялари, Конституция, конституцион ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига доир долзарб мавзуларга, уларни ўрганишга бағишланади.

"Мунозара" методи

Америкача мунозара методини турли шаклларда ташкил этиш эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури бу "**телемунозара**", "**телешоу**", "**баҳс-мунозара**" кабилар. Бу метод ёрдамида талабаларга бирор мавзу бўйича тўлиқ, атрофлича ахборот бериш мумкин.

"Мунозара" методини қўллаш:

- бошловчи (ўқитувчи, журналист, диктор ва ҳ.) мавзунини олдиндан

- танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади;
- талабалар 3-5 кишилик гуруҳларга бўлинадилар;
 - бошловчи котибни тайинлайди ва мунозарани бошлайди. Котиб ўртага ташланган барча ғояларни тўлиқ ёзиб боради;
 - бошловчи танқидий фикрлаш учун шароит яратиб, билдирилган фикрларни таҳлил қилиб, мустаҳкамлаб боради. Пировард натижада, қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган ғоялар-гина ажратиб олинади;
 - бошловчи иштирокчиларнинг асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари учун масъулдир;
 - мунозара учун танланган мавзу ва мавзу бўйича саволлар илм-фан ёки ҳуқуқий муносабатларнинг долзарб, айти пайтда, қизиқарли соҳаларига оид бўлиши лозим. Масалан, бугунги кунда мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида қандай ислохотлар амалга оширилмоқда? Ёки либераллаштириш деганда нималарни тушунасиз? каби.

"Ўз ўрнингни топ" методи

Агарда аудиторияда бирор мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. "Ўз ўрнингни топ" методи талабаларнинг ўз фикрларини мустақил баён қилиши, шунингдек, мулоҳазаларини қайта тиклашига имконият яратади. Уларда мулоқот кўникмаларини шакллантиради.

"Ўз ўрнингни топ" методини қўллаш:

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига **"розиман"**, бошқасига **"рози эмасман"** деган сўзлар ёзиб қўйилади. Плакатларга иккита бир-бирига зид фикр ҳам ёзиб қўйилиши мумкин. Масалан: "Юридик терминология билан юридик атамашунослик иккови битта тушунчанинг икки хил шакли" ёки "Юридик терминология билан юридик атамашунослик иккови икки хил, алоҳида тушунчалар".
2. Мазкур методнинг қонун-қоидалари тушунтирилади.
3. Талабалар қўйилган муаммо бўйича ўз фикрларига мос томонга ўтишиб, плакат ёнидан жой оладилар. Фақат талабаларнинг сони 20 тадан ошмаслиги керак.
4. Икки томонга ажралган талабалар ўз фикрларини исботлашга киришадилар. Бу пайтда, улар ўз фикрларини ўзгартириб, қарама-қарши томонга ўтишлари ҳам мумкин. Фақат улар нега бундай қилганлигини асослаб беришлари керак.
5. Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тўлиқ эшитилгач, ўқитувчи уларни таҳлил қилиб, хулосалайди ва талабаларни баҳолайди.
6. Бундай метод воситасида битта мавзуга доир турли хил ёндашувлар мавжудлиги намоён этилади.
7. "Ўз ўрнингни топ" методи фақатгина аудиторияларда эмас, балки табиат кучоғида, сайлгоҳларда ҳам қўлланилиши мумкин.

8-мавзу: Кичик гуруҳларда қўлланиладиган интерфаол методлар

Режа:

1. Кичик гуруҳларда ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари. Кичик гуруҳларда мавзуга оид нашр материалларидан фойдаланиш.

2. "Меню" ва "Дебат" методлари, уларни дарс жараёнига татбиқ этиш.

Кичик гуруҳларда ишлаш талабаларнинг дарсдаги фаоллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳар бир талабанинг мунозарада қатнашиши ва уларнинг бир-бирларидан ўрганишига имконият яратади, шунингдек, бошқаларнинг фикрини ҳам қадрлашга тарбиялайди.

Кичик гуруҳларда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади. Масалан, талабалардан бири мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси ҳамкорлик қилади ва ҳоказо. Аудиторияни гуруҳларга ажратиш шароитга қараб, ҳисоб бўйича амалга оширилади. Одатда, ҳар бир гуруҳда 3-5 тадан талаба бўлади. "Гетроген" гуруҳлар (яъни жинси, ўзлаштириш даражаси, савияси ва бошқа белгилари асосида) ташкил этиш, айниқса, юқори самара беради.

Дарс учун шундай муаммолар танланадики, натижада, талабалар уни ўрганиши ёки бажариши учун ижодий фаолият кўрса-тишлари керак бўлади. Талабаларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтиришлар берилади. Ўқитувчи гуруҳларнинг ишлаш тезлигини ҳисобга олган ҳолда, вақт чегарасини белгилайди. Умуман, гуруҳлар зарурий материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

Кичик гуруҳларда мавзуга оид нашр материалларидан фойдаланиш

Кичик гуруҳларда ишлашнинг яна бир самарали йўли бу -бирор мавзуга оид нашр материалларидан ёки илмий-назарий манбалардан фойдаланишдир. Талабаларнинг назарий манбаларни ўрганишлари, улардан керакли ахборотларни излаб топишлари ва шу асосда ўз билим-савияларини мустаҳкамлаб боришлари ҳам таълим жараёнида муҳим ўрин тутади. Улар қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар бир хил ёки турлича мазмундаги топшириқлар, газеталар, журналлар, фотоальбомлар ва бошқа шу кабиларни оладилар.

2. Зарурий материаллар: А1 форматли оқ қоғоз, қайчи, елим.

3. Топшириқ берилади, масалан: манба (газета, журнал, фотоальбом, китоб ва ҳ. бўлиши мумкин) дан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотларни топинг ва уларни қуйидаги тартибда жойлаштиринг:

1. Фуқаролик ҳуқуқлари

2. Иқтисодий ҳуқуқлар

3. Меҳнат ҳуқуқи
4. Экология ҳуқуқи
5. Маъмурий ҳуқуқлар
4. Ҳар бир гуруҳ тегишли топшириқ олгач, газета ёки журналдан керакли материалларни топади, уларни қирқиб олиб, оқ қоғозга елимлайди ва ҳосил бўлган матнларни шарҳлайди.
5. Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини сайлаб, уларга ҳисоб беради.
6. Дарс охирида талабалардан барча материаллар йиғиб олинади. Ўқитувчи бажарилган ишларни хулосалаб, баҳолайди.

"Меню" методи

Якка тартибда ёки кичик гуруҳларда иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига бу методдан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ ёки талабага аниқ топшириқ берилади.

Масалан, **"Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари"** мавзусида ёки уларнинг таснифи ҳақида бўлиши мумкин:

- а) Конституциявий ҳуқуқлар
- б) Маъмурий ҳуқуқлар
- в) Фуқаролик ҳуқуқлари
- г) Меҳнат ҳуқуқлари

Ҳар бир гуруҳ топшириқни олгач, уни 3 дақиқа давомида муҳокама қилишади. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил ўқитувчи столига келиб, тайёр "Меню"ни олиб қайтади. У узун қирқилган бир хил қоғозлар бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ нормалари баён қилинган бўлади. Ана шу "Меню"лар асосида талабалар ўзларига тегишли вазифани бажарадилар. Вазифалар оғзаки ёки ёзма бажарилиши мумкин. Ўқитувчи эса гуруҳ фаолиятини ва ниҳоят, ҳар бир талаба фаолиятини баҳолайди.

"Дебат" методи

Дебатлар асосида дарсларни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад, муаммонинг ечимини топишда талабанинг ўз фикрига ўзгаларни ишонтиришидир. Мустақил фикрни аниқ ва мантиқий баён этиш, ишонарли далиллар топиш, уларни хулосалаш кабилар дебат методининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. "Дебат" методини қўллаш:

- даставвал, иқтидорли талабалар танлаб олиниб, улар икки гуруҳга ажратилади;
- мавзу резолюция шаклида ифодаланади ва эълон қилинади, масалан: **"Айбсизлик презумпцияси айбдорни авф этиш эмас"**;
- ҳар бир гуруҳдан гуруҳ сардори ва кузатувчи-ҳисобчи тайинланади;
- резолюцияни қўллаб-қувватлайдиганлар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап томонига ўтадилар;
- ўқитувчи сўзга чиқувчилар учун регламентни белгилайди;
- баҳсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакиллари бошлайди. Ўқитувчи

гуруҳ талабаларининг биринчисига сўз беради ва унинг аргументларини таҳлил қилиб боради. Кузатувчилар эса уларни ёзиб боради. Шу тариқа талабалар навбатма-навбат сўзга чиқадиладар;

- иштирокчилар шундай аргументларни келтиришлари керакки, улар барчани ўйлашга мажбур этсин ва муаммонинг ечимига қара-тилган бўлсин;
- ўқитувчи дарсни яқунлаб, хулосалайди ва талабаларни баҳолайди.

9-мавзу: **Масофавий ўқитиш технологияси ва электрон дарсликлар**

Режа:

- 1. Масофавий ўқитиш ва унинг таълим соҳасига татбиқ этилиши.*
- 2. Электрон дарсликлар - масофавий ўқитиш усули сифатида.*

Республикамизнинг таълим тизими янги таълим модели асосида ривожланмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўналишларидан бири, ўқув жараёнига янги таълим технологияларини жорий этишдан иборат.

Масофавий ўқитиш усулларидадан фойдаланишга асосланган янги таълим технологиялари ва улардан фойдаланиш ўқув жараёнидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, деярли барча олий ўқув юртлиги ва ўрта махсус ўқув муассасаларини информацион технологиянинг замонавий воситалари билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Информацион технологияларни ривожлантириш, масофавий ўқитишни ташкил этишга янгича ёндашувни тақозо этади. Таълим технологиясини тўлиқ ишлаб чиқиш ва уни бошқаришни ҳар томон-лама пухта ўйлаб, сўнгра, амалиётга татбиқ этиш лозим. Ўқув режалари, дастур, қўлланма, дарслик каби ўқув манбалари ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган масофавий ўқитиш марказлари ташкил этилиши керак. Улар жойларда ташкил қилинадиган маҳаллий регионал ўқув марказлари билан узвий боғланишда ишлайди. Бу тизимдан фойдаланувчилар (мижозлар) мазкур ўқув марказлари билан интернет орқали тўғридан-тўғри боғлана оладилар.

Масофавий ўқитишни ташкил этишнинг ҳозирги замон моделлари асосида коммуникацион тармоқ технологиялари ётади. Масофавий ўқитиш тизимида бир қанча муаммолар ҳам мавжуд, улар тизимни ва ахборотни муҳофаза қилиш, масофавий ўқитишни ташкил этишда тажрибали, билимдон мутахассисларни танлаш, талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш, улар учун муаммоли маърузалар ташкил қилиш ва бошқалар.

Талабаларни етук мутахассис қилиб тайёрлашда муаммоли ўқитишни ташкил этиш, муҳим жараёнлардан биридир. Масофавий ўқитишда ўқитувчи билан талаба орасидаги мулоқотни телеконференция усулида амалга ошириш мумкин. Лекин муаммони тўлиқ ечиш учун кўшимча ўқув материаллари

ишлаб чиқиш, турли хил муаммоли топшириқлар, муаммоли вазият ҳосил қилувчи кўрсатмалар ва ҳоказолар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Масофавий ўқитишни ташкил қилишда муҳим масалалардан яна бири, мутахассис ўқитувчиларни танлаб олиш. Чунки бундай таълим самарадорлигини ошириш, кўп жиҳатдан мутахассисларнинг билим савияси ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқдир.

Миллий дастурнинг иккинчи сифат босқичида **"Таълим муассасаларининг моддий техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади"**, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ушбу муаммонинг ниҳоятда долзарблиги муносабати билан **"Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"** Президент Фармони чиқарилди. Ушбу Фармонда **"... мактаблар, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини, шунингдек, уларни фаол қўллашга асосланган илғор таълим тизимларини киритиш"** кўзда тутилган.

Ахборот-коммуникацион технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келмоқда. Технологияларга асосланган ўқув жараёнини ташкил қилишда электрон дарсликлар муҳим ўрин тутди. Маълумки, электрон дарслик деганда, илгарилари оддий матн файли тушунилар эди. Ҳозирги кунда электрон дарслик деганда, оддий электрон нусха эмас, балки рангли расмлар, ҳар хил тестлар, жадваллар, лавҳалар, овоз, видео-кўргазмаларнинг замонавий тар-тиби, техникаси тушунилади. Шунинг учун ҳам электрон дарсликлар масофавий ўқитиш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Электрон дарсликлар навигацион (йўналтирувчи) тизим билан таъминланади. Ушбу тизим фойдаланувчиларга электрон дарсликнинг хоҳлаган бетига тўғридан-тўғри ўтишни таъминлайди, бунда бутун матнни бир бошидан кўриб чиқишнинг ҳожати йўқ. Ҳар бир мавзу юзасидан тегишли саволлар ва тест саволлари билан ишлаш мумкин.

Электрон дарсликнинг бир неча қулайликлари мавжуд:

- ўқув дастури асосида ўрганилиши керак бўлган материалларни талабаларга ихчам, қулай кўринишда тақдим этиш;

электрон дарсликларнинг талаба билан интерфаол усулларда мулоқотда бўла олиши;

- талабаларнинг ўқув материалларини мустақил равишда ўрга-ниши ва олган билимларини тест синовлари асосида синаб кўриши мумкинлиги.

Электрон дарсликларда транспитерация (бошқа тилга ёки бошқа ёзувга ўгириш) тизими ҳам мавжуд бўлиб, матнни бошқа тилга ёки кирилл ёзувидан латин ёзувига ўтказиш мумкин.

Ҳозирги кунда давлат тилида яратилаётган электрон дарслиklarимиз

масофавий ўқитишнинг тезкор ва самарали усули сифатида хизмат қилади. Энг асосийси ахборот-коммуникацион технологиялар воситасида кишиларнинг вақти тежаллади, меҳнат унумдорлиги ошади, сарф-харажатлар камаяди ва қўл меҳнати ўз ўрнини аста-секин илғор, замонавий технологияларга бўшатиб беради.

10-мавзу: **Ўқув жараёнини лойиҳалаш технологияси ва амалий машғулотлар ўтказишнинг интерфаол усуллари**

Режа:

1. Ўқув жараёнини лойиҳалаш тизими.

2. Амалий машғулотларда қўлланиладиган интерфаол методлар.

Педагогик технология яхлитлик, кетма-кетлик ва узвий боғлиқлик хусусиятларига эга бўлган мақсадли тизим сифатида, ўз ичига ўқув жараёнини лойиҳалаш ишларини ҳам қамраб олади. **В.Беспалько, Е.С.Полат, Б.Л.Фарберман, М.Очилов, Н.Сайдамедов** тадқиқотларида ушбу муаммонинг муайян жиҳатлари ўрганилган.

Ўқув жараёнини лойиҳалаш деганда, ўқув жараёнида талаба мақомини ўзгартириш, ўқув предметига педагогик ишлов бериш, ўрганиладиган мавзунини талаба ёки ўқувчининг билиш имкониятига мослаштириш, таълим натижаларини қабул қилинган стандарт даражасига қўтариш ва баҳолашга оид усуллар, воситалар, таълимнинг ташкилий шакллари тушунилади.

Амалий педагогик тажриба ишлари ва кузатишлар шуни кўрсатадики, таълимни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишни мувофиқлаштирган ҳолдагина ўқитувчи ва талаба педагогик жараённинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиши мумкин.

Маълумки, таълим натижаси кўп жиҳатдан янги педагогик технологиянинг маҳсули ҳисобланган дидактик лойиҳага боғлиқ. Ҳар бир ўқитувчи ўқув материалнинг хусусиятлари, таълим вазифалари мазмуни ва талабаларнинг тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, бутун ўқув-тарбиявий жараённи лойиҳалаштиради.

Ўқув жараёнини лойиҳалаш асосан қуйидаги қисмлардан иборат:

1) Ўқитувчи фаолиятини лойиҳалаш

- ўқитувчи ўқув фани мазмуни, ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, таълимнинг мақсади, воситалари ва якуний натижаларини белгилайди.

2) Лойиҳалаш воситаси - ўқитувчининг ўз мутахассислигига оид билимлари, таълим жараёни тўғрисидаги тасавурлари, педагогик қобилияти, маҳорати, амалий малака ва кўникмаларини ўз ичига олиши мумкин.

3) Лойиҳалаш - ўқитувчи ва талаба келажакда биргаликда амалга оширадаган ўқув жараёнидан иборат.

Шахсни ривожлантиришнинг мақсади ижтимоий талаб даражаси билан белгиланса, унга мувофиқ равишда педагогик тизим ҳам мавжуд бўлиши муқаррар. Шунинг учун ҳам "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да жамият,

давлат ва оилада ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш бош мақсад қилиб қўйилган. Демак, кадрлар тайёрлашнинг сифатини оширишга давлат таълим муассасалари билан бир қаторда ҳар бир оила ўзининг фарзандларини тарбиялаш билан ҳисса қўшишлари лозим.

Замонавий педагогик тизим ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- ижтимоий талаблар ва эҳтиёжлар;
- таълим мақсадлари;
 - давлат таълим стандартлари;
 - таълим мазмуни;
- дидактик жараёнлар;
- таълимнинг ташкилий шакллари;
 - ўқитишнинг техникавий воситалари.

Ўқитувчи дарсга киришдан аввал, ҳал этилиши лозим бўлган педагогик масалаларни чуқур англаши ҳамда уларни талабаларга бериш ва етказиш йўллари аниқ тасаввур қилиши керак. Зеро, ҳар бир дарс ёки машғулотда таълим мақсадининг аниқ ўрнатилиши ўқитиш технологиясини лойиҳалашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ахборотларнинг кўлами кенгайиб бориши, талабаларни ушбу шароитга мослаб ўқитишни тақозо этади, Уларнинг ҳаёти ва келажакдаги фаолиятида энг зарур бўлган ахборотларнигина танлаб олиш, улардан унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш зарур. Белгиланган масалаларни амалда ҳал қилиш учун ўқув элементи тушунчаси мавжуд. Ўқув элементи деганда, ўрганиш мақсадида танланган барча фан объектлари тушунилади. Ўқитувчи ўқув элементларини танлашда яқин 10 йил ичида бўлажак мутахассиснинг олдида қўйилажак илм-фан талабларини тасаввур қила олиши, зарур бўлган билим ва кўникмалар таркибини аниқ ифодалаш керак.

Ўқув материални саралашнинг иккинчи тури тажриба-синов усули бўлиб, олий ўқув юртини битирган талаба (мутахассис)нинг фаолияти таҳлил қилинади ва шу асосда маълум фан объектлари тўғрисида керакли маълумотлар ажратиб олинади. Шундай қилиб, таълим жараёнини лойиҳалаш - ўқитувчи фаолиятини режалаш-тириш, лойиҳалаш воситаларини танлаш ва лойиҳалаш предметини аниқлаб олиш каби таркибий қисмлардан иборат бўлиб, таълим сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Талабанинг билим олиш фаолиятидаги самарани ошириш, ундаги маҳоратни ўстириш, илм олишда илғор тажрибаларнинг қўлланилиши ўқитишнинг фаол усуллари деб юритилади.¹ Ўқув жараёнини фаоллаштиришнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштириши ва янги-лаб бориши.
2. Ихтисослик тажрибаларига эга бўлиш, касбий маҳоратни ошириш.
3. Ўзаро ва илғор тажрибаларни ўзлаштиришни жадаллаштириш.
4. Таълим сифатини ва талабаларнинг билиминини назорат қилиш.

Ўқув материалларини талабаларга етказиш, асосан, маъруза орқали амалга оширилади. Талабаларнинг ўтилган мавзуларни ўзлаштириши, уларнинг олган билимларини назорат қилиш ва баҳолашда эса амалий

машғулотлардан фойдаланилади.

Амалий машғулотларда талаба тушунчасидаги нотўғри қолипли (стереотип) фикрларга ўзгартириш киритилади, мустақил ижодий фикрлашга қизиқиш ҳосил қилинади, назарий мушоҳададан амалиётга ўтиш учун "кўприк қуриб" берилади ва ҳоказо. Бундай муҳим вазифаларни бажаришда амалий машғулотларнинг қуйидаги фаол усулларини қўллаш мумкин:

"Давра суҳбати" методи

Унинг ёрдамида ўқитувчи ва талаба ўртасида бевосита алоқа ўрнатилади. Ўқитувчи ўрганилган мавзунинг энг муҳим жойларидан талабаларга умумий саволларни ҳавола қилади. Саволлар талабаларнинг билимини текшириш учун эмас, балки уларнинг шу масала билан таниш ёки таниш эмаслигини, навбатдаги кўриладиган масалани ёритиш учун ўтишга тайёр ёки тайёр эмаслигини аниқлаш учун берилади.

Талабалар ўз ўринларидан туриб, саволларга жавоб беришади. Ўқитувчи эса жавоблардаги турли ёки бир хил тушунчаларни умумлаштириб, уларнинг аниқ жавобга қанчалик яқин ёки узоқ эканлигига қараб, масалани ёритишга ўтади.

"Мунозарали давра суҳбати" методи Бунда ўқитувчи талабанинг жавобини эшитиш билан чекланмасдан, балки уларга бемалол ўз фикрларини изҳор қилишга имконият беради. Бу усул, албатта, ўқитиш жараёнини жонлантиради, талабаларнинг билим доирасини янада кенгайтиради. Кўрилаётган масала бўйича мавжуд муаммолар ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигида аниқланади ҳамда уларнинг ечими бўйича биргаликда мунозара юритилади. Шу йўсинда саёз билимдан чуқур ва тўлиқ билимга, ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳиятини тушунишга эришилади. Ўқитувчи учун гуруҳдаги фикрларни умумлаштириш имконияти туғилади.

"Анжуман" методи

Бир қанча муаммолар бўйича уюштирилиб, унга йирик мутахассислар ва мутасадди шахслар таклиф қилинади. Талабалар анжуман иштирокчиларига саволларни оғзаки (тўғридан-тўғри) ёки ёзма равишда беришлари мумкин.

"Брейн ринг" методи

Талабалар командаларга бўлиниб, кўрилаётган масала бўйича бир-бирларига савол ёки тест саволи беришади. Талабалар навбат билан саволларга жавоб берадилар. Ҳар бир командадан сардорлар сайланиб, балларни ҳисоблаб боради. Сардорларни ўзаро баҳслаш-тириш ҳам мумкин. Ҳозирги кунда, амалий машғулотларда қўлланиладиган интерфаол методларга таяниб, қуйидаги вазифаларни назорат қилиш мумкин:

- талабанинг амалий масалаларни еча олиши;
- - масалани мустақил таҳлил қила олиши;
- ҳодисаларни умумлаштириб, тегишли амалий хулоса чиқара олиши;

- ўз билим доирасини кенгайтириб, назариядан амалиётга ўта олиши ва уларни ўзаро боғлай олиши.

Назорат ишлари учун мавзулар ва саволлар

1. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
2. Куч - билим ва тафаккурда.
3. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели.
4. Таълим технологияси ва унинг моҳияти.
5. Янги педагогик технологияларнинг умумижтимоий ва маърифий аҳамияти.
6. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий анъаналари ва асосий манбалари.
7. Ўзбек халқ педагогикасининг истиқлол даври тараққиёти.
8. Маданият ва ҳуқуқий маданият тушунчалари.
9. Олий таълимда замонавий технологиялар.
10. Шарқ алломаларининг ватанпарварлик ғоялари.
11. Танқидий фикрлаш мезонлари - билишнинг асоси.
12. Таълим - Ўзбекистон давлатининг устувор йўналишларидан бири.
13. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва унинг аҳамияти.
14. Олий ўқув юртлари - таълимнинг янги босқичида.
15. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимида доир ислохотлар.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқи ва бурчлари.
17. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат
18. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида соғлом авлод тарбияси.
19. Тарихий хотирасиз - келажак йўқ.
20. Фуқаро, жамият, давлат тушунчалари ва уларнинг конституциявий-ҳуқуқий асоси.
21. 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили.
22. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш омиллари.
23. Электрон дарсликлар - масофавий ўқитиш усули сифатида.
24. Таълимда инновацион ва интерфаол методлар.
25. Касбий фаолиятни юксалтириш технологияси.
26. Моделлаштириш деганда нимани тушунасиз?
27. Таълим-тарбия назарияси ва амалиётини, сизнингча, қандай бойитса бўлади?
28. Бугунги ўқитувчи-педагог қандай бўлиши керак?
29. Бугунги ўқувчи-талаба қандай бўлиши керак?
30. Ўқиш деганда қандай тушунчалар англашилади?
31. Билим нима ва уни қандай баҳолаш мумкин?
32. Педагогик технология назариясига ўз ҳиссасини қўшган педагог олимлардан кимларни биласиз?
33. Инсонпарварлик ва ватанпарварлик тушунчаларининг заминида нималар ётади?
34. Таълимни назорат қилишнинг қандай шакллари бор?
35. Ўқитувчи-педагог фаолиятининг модели нималарни кўзда тутуди?

36. Педагогик технология тушунчаси нималарни ўзида мужассам этади?
37. Таълимда қўйилган мақсадга эришиш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
38. Бугунги кунда таълимга янгича ёндашув деганда нималарни тушунасиз?
39. Замонавий таълимда кенг қўлланаётган интерфаол методлардан қайсиларини биласиз?
40. Кичик гуруҳларда, асосан, қандай интерфаол методлар қўлланилади?

1-илова

БАЁННОМА Гувоҳни сўроқ қилиш ҳақида

1995 йил, 20 март

Тошкент шаҳри

Тошкент шаҳар прокуратурасининг терговчиси, адлия кичик маслаҳатчиси К.А.Хурсандов, хизмат кабинетимда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90, 92, 96-107, 114, 115, 116, 117, 118 ва 119-моддаларига риоя қилиб, гувоҳни сўроқ қилдим:

Фамилияси, исми ва отасининг

исми

Туғилган вақти

Туғилган жойи

Турар жойи

Иш жойи ва мансаби

Касби Маълумоти

Оилавий аҳволи

Судланганми?

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарликка алоқаси

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга алоқаси

Аҳмедов Баҳром Шерович

1960 йил, 6 июнь Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Эркин кўчаси 6-уй.

"Саховат" кичик корхонаси бошлиғи (А.Темур кўчаси 24-уй)

Иқтисодчи

Олий. Тошкент Политехника Давлат университетини тамомлаган

Оилали, 2 нафар фарзанди бор

Йўқ

01.06.77 й. Тошкент ш. М.Улуғбек тумани ИИБ томонидан берилган ЮС-011097 рақамли паспорт

Алоқаси йўқ Алоқаси йўқ

Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайди: ўзбектилида. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунтирилди.

Аҳмедов

Мен, била туриб, ёлғон кўрсатув берганлик, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 238-моддаси ва кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик учун

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 240-моддаси билан жавоб-гарликка тортилишим тўғрисида огоҳлантирилдим.

Аҳмедов

Сўроқ вақти: бошланди 9-да тамомланди 11-да Берилган саволларга шундай жавоб қайтарди: **Кўрсатув матни** ;-

Баённомани ўқиб чиқдим. Тўғри ёзилган.

Гувоҳ: Терговчи;

Б.Ш.Аҳмедов К.А.Хурсандов

2-илова Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

Судья фақат судьялар малака хайъатининг қарорига асосан, қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

- Одил судловни амалга ошириш чоғида қонунларни бузганлиги учун;

- Суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари, хизмат соҳасида ёки бошқа обрўсини тўкадиган хатти-ҳаракати учун;

- Ҳарбий суднинг судьяси ҳарбий интизомни бузганлиги учун. Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, шу қарорни чиқаришда қатнашган судья қонунни била туриб бузмаган ёки жиддий оқибатларга олиб келадиган диёнатсизликка йўл қўймаган бўлса, унинг интизомий жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **И.А.Каримов.** Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент., "Шарқ", 1997 й.
2. **И.А.Каримов.** Баркамол авлод орзуси. Тошкент., "Шарқ", 1999 й.
3. **И.А.Каримов.** Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. "Тафаккур" журнали, 1998 йил, 2-сон.
4. **И.А.Каримов.** Истиклол ва маънавият. Тошкент., "Ўзбекистон", 1994 й.
5. **И.А.Каримов.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент., "Шарқ", 1998 й.
6. **И.А.Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент., "Ўзбекистон", 1997 й.
7. **И.А.Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент., "Ўзбекистон", 1998 й.
8. **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.** Тошкент., "Ўзбекистон", 2001 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент., 1997 й.
10. **Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури.** Тошкент., "Шарқ", 1997 й.
11. **Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. ТАТ. Тошкент., "Қодирий номли халқ мероси" нашриёти, 1993 й.

12. **Абу Райхон Беруний.** Рухият ва таълим-тарбия ҳақида. Тошкент., "Ўзбекистон", 1992 й.
 13. **В.П.Беспалько.** Слагаемне педагогической технологии. Москва., «Педагогика», 1989 г.
 14. **Етук мутахассисларни тайёрлашда замонавий педагогик технологиялар ва интерактив усулларнинг самарадорлиги.** Тошкент Давлат Шарқшунослик институти., 2003 й.
 15. **Б.Зиёмухаммадов.** Илм ҳикмати. Тошкент., 1999 й.
 16. **А.Зуннунов.** Педагогик тадқиқот методлари. Тошкент., 2000 й.
 17. **М.В. Кларин.** Педагогическая технология в учебном процессе. Москва., "Знания", 1989 г.
 18. **У.Маҳкамов.** Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент., 1994 й.
 19. **А.К.Мунавваров.** Педагогика. Тошкент., "Ўзбекистон", 1996 й.
 20. **К.Назаров.** Назариядан технологияга. "Маърифат"., 2003 й., 10 сентябрь.
 21. **Т.Назарова.** Педагогическая технология: новый этап эволюции. "Педагогика", 1997 й., № 3
 22. **М.Очилов.** Янги педагогик технологиялар. Қарши., "Насаф", 2000 й.
- 60**
23. **А.Пўлатов.** Ўқитишнинг ноанъанавий усуллари. "Маърифат"., 2003 й., 23 июль.
 24. **Педагогика фанининг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни.** 2-қисм. Тошкент., "Сангзор", 2003 й.
 25. **Н. Сайидахмедов.** Педагогик технология концепциясининг ривожланиш тарихи. "Маърифат"., 1999 й., 17 март.
 26. **Н. Сайидахмедов.** Ўқитувчи фаолиятининг технологияланувчанлиги. "Маърифат"., 1999 й., 19 июнь.
 27. **Н. Сайидахмедов.** Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Тошкент., 2003 й.
 28. **Н. Сайидахмедов.** Педагогикада янгича фикрлаш. "Истиқбол", 2002 й.
 29. **Н.Сайидахмедов., А.Очилов.** Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. Тошкент., 1999 й.
 30. **В.Селевко.** Современное образовательной технологии. Москва., "Народное образование", 1998 г.
 31. **Б.Суёнов.** Муносабатлар тенглиги ёхуд талабаларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш омиллари. "Маърифат", 2003 й., 6 декабрь.
 32. **Ў.Толипов., М.Усмонбоева.** Янги педагогик технология. "Маърифат"., 2003 й., 26 июль.
 33. **Қ. Тошмуродова.** Таълим-тарбияни режалаштириш хусусият-лари. Тошкент., 1993 й.
 34. **И.Турсунов, У.Нишоналиев.** Педагогика курси. Тошкент., "Ўқитувчи", 1997 й.
 35. **Б.Л.Фарберман.** Илғор педагогик технологиялар. Тошкент., 1999 й.
 36. **А. Чориев.** Педагогик технология методологияси. "Маърифат".,

2003 й., 18 июнь.

37. **Э.Юсупов.** Маънавият асослари. Тошкент., 1998 й.

38. **Ф.Янушкевич.** Технология обучения в системе высшего образования. Москва., 1987 г.

39. **Ўзбек педагогикаси тарихи.** (А.Зуннунов таҳрири остида). Тошкент., 1997 й.

40. **Н.Р. Ғайбуллаев ва бошқалар.** Педагогика. Тошкент., 1999 й.

41. **Н.Р.Ғайбуллаев.** Таълим-тарбиянинг амалий йўналиши. Тошкент., "Ўқитувчи", 1986 й.

42. **Э.Ғозиев.** Тафаккур психологияси. Тошкент., "Ўқитувчи", 1990 й.